Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 108 (5457).

3 ИЮНЬ СЕШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШ МЕХАНИЗАТОРЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар! Сизларни — республика ёш механизаторларн съезднинг қатнашчиларини самимий табриклайман.

Ўзбекистон комсомол ташкилоти 1975 йилда қишлоқ хўжалиги учун юз минг ёш механизатор тайёрлашга қарор бериб, қимматли ташаббус кўрсатганлигини билиб ғоят мамнун бўлдим. Республика комсомоллари ва ёшлари экономиканинг энг муҳим тармоғи бўлмиш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар, пахта, дон экинлари, сабзавот ялпи ҳосилини кўпайтириш ва ҳосилдорликни ошириш соҳасидаги ишда актив қатнашмоқдалар. Республика комсомол ташкилотининг Ленин ордени билан мукофотланиши КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун курашда Ўзбекистон ёшларининг қилган катта хизматларини тақдирлашдир.

Қишлоқ хўжалиги олдида катта вазифалар турибди. Бу соҳани интенсивлаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўли билангина бу вазифаларни ҳал этиш мумкин. Бизнинг қишлоқ хўжалигимиз йил сайин тобора кўпроқ миқдорда янги, мураккаброқ техника билан таъминланмоқда. Бу техникадан ғоят самарали фойдаланиш учун чуқур билимларни эгаллаган малакали механизатор кадрлар керак.

Сизнинг ташаббусингизни мамлакатдаги йигит ва қизлар қизғин қўллаб-қувватлашига ва янгидан неча ўн мингдаб ёш тракторчилар, комбайнчилар, пахта терими машиналарининг ҳайдовчилари, чорвачилик фермаларининг операторлари, техникани яхши билган бошқа мутахассислар қишлоқ механизаторларининг шонли сафига қўшилишларига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун мамлакатдаги колхоз ва совхозларга ёрдам беришларига аминман.

Механизатор бўлишга аҳд қилган Ватанимиз ёш ватанпарварларининг ана шу мароқли ва фахрли касбни тезроқ эгаллашларини чин кўнгилдан тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ДАЛАЛАР ВА ФЕРМАЛАРНИНГ ЁШ ГВАРДИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ЕШ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Ўзбекистон далалари ва фермаларида юз минглаб машиналар ишлаб турибди. Ана шу қудратли техника ишониб топширилган кишиларнинг тенг ярми ёшлардир.

Бу — давримизнинг, совет турмуш тарзининг ажойиб нишонасидир. Колхоз қишлоқларида, қўриқ ерлардаги янги посёлкаларда қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётининг аҳамиятини ва қишлоқ механизаторининг ролини чуқур тушунган ёш авлод камол топди. Бу йигит-қизлар ер соҳиблари эканликларини чинакам ҳис этмоқдаларки, социалистик тузум қиқодкор инсонга, меҳнаткаш инсонга ана шундай ҳис-туйғу бағишлади.

Яхшиларнинг яхшилари — энг моҳир, энг меҳнатсевар ташаббускор ёшлар — комсомол-ёшлар бригадаларининг бошлиқлари, тракторчилар, «зангори кема»ларнинг механик-ҳайдовчилари, чорвачилик фермаларининг операторлари, эндиликда қишлоқда муқим туриб ишлаётган кўпдан-кўп янги касбкор эгалари ёш механизаторларнинг республика съездига делегат бўлиб келишди. Бу съезд Тошкентда 31 май куни бўлиб ўтди.

Бу учрашув шодиёна воқеа билан нишонланди: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев съездга табрикнома йўллади.

Йигит ва қизлар янги хайрли ишларга оталарча оқ йўл тилаб айтилган сўзларни зўр диққат-эътибор, завқ-шавқ билан тингладилар. Ҳар бир йигит-қизнинг кўнглидан партиянинг юксак ишончини оқлашга шай туриш, ўзининг бутун куч-ғайратини Ватан бахт-саодатига бағишлаш фикри ўтарди. Ёш механизаторлар ҳузурида нутқ сўзлаган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов табрик текстини ўқиб берар экан, бунга жавобан гулдурос қарсаклар авж олади.

Ш. Р. Рашидов Леонид Ильич Брежневнинг табригида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда комсомоллар ва ёшларнинг, республика комсомол ташкилотининг хизматига юксак баҳо берилган, йигитлар билан қизларнинг навбатдаги вазифалари белгилаб берилган, деб таъкидлади.

Қишлоқ меҳнатининг мазмуни йил сайин ўзгариб бормоқда, у кўпдан-кўп билим, юқори даражадаги махсус тайёргарликни тобора кўпроқ талаб этадиган индустриал меҳнатга айланиб бормоқда, деди сўзини давом эттириб ўртоқ Ш. Р. Рашидов. Шу муносабат билан маҳаллий партия ва совет органлари, республика Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Ўзсельхозтехника», «Ўзплодовощвинпром» бирлашмалари, «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети ва уларнинг маҳаллий органлари олдида янги вазифалар пайдо бўлмоқда. Уларнинг бурчи оммавий ҳунар мутахассислари тайёрлаш сифатини ошириш, механизация мактаблари ва билим юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча ишни қилишдан иборатдир.

1975 йил планлари ва мажбуриятларини, умуман беш йиллик план ва мажбуриятларни амалга оширишда партия ва комсомол ташкилотлари, уларнинг сиёсий ва ташкилотчилик иши етакчи роль ўйнаши керак. Коммунистлар билан комсомолларнинг шахсий намунаси, механизаторларнинг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати, ҳар бир бригада, ферма, ҳар бир колхоз ва совхознинг аниқ, пухта иш тутиши — топшириқларни ва социалистик мажбуриятларни тўла ҳамда ортиги билан бажаришнинг асосий шартидир. Ҳар бир гектар ердан кўпроқ маҳсулот олиш, КПСС XXIV съезди белгилаб берган марраларни эгаллаш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилиш керак.

Делегатлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан съезд фахрий президиумига сайладилар.

Съезд делегатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада юксалтиришда ёш механизаторларнинг вазифасини ишчанлик билан, партия томонидан ўз олдиларига қўйилган катта вазифани тушунган ҳолда, унинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда муҳокама қилдилар. Бу йил улар республиканинг бутун меҳнат аҳли билан биргаликда юксак марраларни эгаллашлари керак. Ўзбекистон беш йилликнинг якунловчи йилида Ватанга 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин», кўпдан-кўп ғалла, шоли, пилла, гўшт, жун, мева, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришни ваъда қилди. Эндиликда ёш деҳқонларга «дала маликаси»ни парвариш қилиш батамом ишониб топширилган маккажўхори донидан мисли кўрилмаган даражада кўп — бир миллион тоннадан знёдроқ ҳосил кўтаришга аҳд қилинган.

Хўжаликни юритишнинг замонавий усулларига таянган, фан-техника тараққиётининг кучидан фойдаланилган тақдирдагина бундай вазифаларни ҳал этиш мумкин. Колхозларга ва совхозларга тобора кўпроқ тракторлар, пахта терадиган машиналар, ғалла комбайнлари, суғориш кўтариб берадиган қурилмалар, сут соғадиган агрегатлар, ер текислайдиган машиналар, экскаваторлар, бошқа техника тобора кўпроқ етказиб берилмоқда. Бу техникани ким бошқаради? Албатта, ёшлар!

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги техникасини эгаллаш тўғрисидаги чақириғи республиканинг ҳамма жойида қизғин маъқулланмоқда — 1975 йилда 100 минг механизатор тайёрлашга аҳд қилинди. Ҳеч қачон бунчалик кўп ёш механизатор тайёрланмаган эди. Бунинг учун Ўзбекистонда ўтган бутун тўрт йил мобайнида, икки юз минг механизатор тайёрланганлигини эслатиб ўтиш кифоя қилади.

Бундай вазифани қандай ҳал этиш керак? Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғафуржоновнинг докладида, механизаторларнинг, хўжалик раҳбарларининг, комсомол ходимларининг, бир қанча идоралар вакилларининг нутқларида шу тўғрисида гап борди.

Ихтисослаштирилган ҳунар-техника билим юртларида механизаторларни кўпроқ ва яхшироқ тайёрлаш тадбирлари белгилаб чиқилди. Съездда ўзлари ҳуш кўрган касб-корни эгаллашда йигит ва қизларга ёрдам берадиган ана шу ўқув юртларининг шохобчаларини кенгайтириш ва уларни жиҳозлашни кучайтириш тўғрисида гапирилди. ДОСААФ клублари қишлоқ хўжалиги техникаси билан ёшларни таништиришга ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Янги техникани қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводларида, конструкторлик бюроларида, тажриба станцияларида, илмий-тадқиқот институтларида етакчи олимлар, конструкторлар, инженерлар иштирокида пропаганда қилиш катта фойда келтиради. Ўз шогирдларига машиналарни юргизишда, техникани парвариш қилишда дастлабки билимларни бераётган кўпгина қишлоқ мактабларининг тажрибаси диққатга сазовордир.

Ҳамиша бўлганидек мураббийлар бу яхши ишга қўшадиган ўз ҳиссаларини кўпайтирмоқдалар. Съезд Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошкент областидаги «Бўрашидов. Шу муносабат билан маҳаллий партия ва совет органлари, республика Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Ўзсельхозтехника», «Ўзплодовощвинпром» бирлашмалари, «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети ва уларнинг маҳаллий органлари олдида янги вазифалар пайдо бўлмоқда. Уларнинг бурчи оммавий ҳунар мутахассислари тайёрлаш сифатини ошириш, механизация мактаблари ва билим юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча ишни қилишдан иборатдир.

1975 йил планлари ва мажбуриятларини, умуман беш йиллик план ва мажбуриятларни амалга оширишда партия ва комсомол ташкилотлари, уларнинг сиёсий ва ташкилотчилик иши етакчи роль ўйнаши керак. Коммунистлар билан комсомолларнинг шахсий намунаси, механизаторларнинг, барча қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати, ҳар бир бригада, ферма, ҳар бир колхоз ва совхознинг аниқ, пухта иш тутиши — топшириқларни ва социалистик мажбуриятларни тўла ҳамда ортиги билан бажаришнинг асосий шартидир. Ҳар бир гектар ердан кўпроқ маҳсулот олиш, КПСС XXIV съезди белгилаб берган марраларни эгаллаш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилиш керак.

Делегатлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан съезд фахрий президиумига сайладилар.

Съезд делегатлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада юксалтиришда ёш механизаторларнинг вазифасини ишчанлик билан, партия томонидан ўз олдиларига қўйилган катта вазифани тушунган ҳолда, унинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда муҳокама қилдилар. Бу йил улар республиканинг бутун меҳнат аҳли билан биргаликда юксак марраларни эгаллашлари керак. Ўзбекистон беш йилликнинг якунловчи йилида Ватанга 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин», кўпдан-кўп ғалла, шоли, пилла, гўшт, жун, мева, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб беришни ваъда қилди. Эндиликда ёш деҳқонларга «дала маликаси»ни парвариш қилиш батамом ишониб топширилган маккажўхори донидан мисли кўрилмаган даражада кўп — бир миллион тоннадан знёдроқ ҳосил кўтаришга аҳд қилинган.

Машҳур механизатор қуйидаги сўзларни эслатиб ўтди: «Бизларнинг ҳар биримизнинг ўстозимиз бўлган. Ана шу ўстозларга ташаккур изҳор этишнинг энг яхши йўли — ўз билимимиз ва тажрибамизни шогирдларга ўргатишдир».

Фарғона водийси ва Хоразм воҳасининг, чўлқуварлар ишлаётган даштларнинг вакиллари бирин-кетин минбарга чиқадилар. Ҳар бир нотиқ пахта, галла, гўшт, сут, пилла етиштиришни кўпайтиришдаги янги-янги марралар тўғрисида, механизаторни ўқитиш, илғор тажрибани оммалаштириш, маҳоратни ошириш юзасидан олинган янги мажбуриятлар тўғрисида гапирди.

Бу соҳада кўпгина яхши мисоллар бор. Сурхондарёлик донгдор механизаторлар — Чиннихол Худоёрова билан Озода Абдураимова қўриқ ерларда пахта терадиган агрегатларнинг ҳайдовчиларини тайёрлайдиган мактаблар очишди, Поп районидаги Ленин номли совхоздан Анорхон Эргашева йигирмата қизни қишлоқ хўжалиги машиналарида ишлашга ўргатди. ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг бюро аъзоси, Мирзачўлдаги Аҳмедов номли совхоз директори Қувондиқ Абдураззоқовнинг қирқта шогирди бор.

Сурхондарё областидаги Собир Раҳимов номли совхоз механизатори Эрдон Қўзимуродов, Хоразмдаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози комсомол комитетининг секретари Зулфия Иброҳимова, бошқа делегатлар ёш механизаторлар тайёрлашни такомиллаштириш тўғрисида гапирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга якдиллик билан йўлланган мактубда съезд делегатлари далалар билан фермаларнинг ёш гвардияси партиянинг юксак ишончини шараф билан оқлайди, деб ишонтирдилар.

Съезд республикадаги барча ёш механизаторларга мурожаатида уларни қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга, қишлоқ механизаторларининг янги отрядини тайёрлашга кўпроқ ҳисса қўшишга даъват этди.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев қатнашдилар.

Съезд иштирокчилари улуғ доҳий номи билан аталган майдонда Владимир Ильич Ленин ҳайкали зинапояларига гуллар қўйишди. (ЎзТАГ).

Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз пиллакорлари районда биринчилар қатори пилла тайёрлаш планини бажардилар. Суратда: (чапдан) Х. Сулаймонова ва Н. Мавлоновалар. Бу илғор пиллакорлар ҳар қути пилла қуртидан 100—160 килограммдан пилла олишга эришдилар.

С. Маҳкамов ва Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 2 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(халқ хўжалиқ планининг бажарилиши процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир қутидан, учинчи устун — мавсум бошидан берилган.

Бекобод	0,1	117,9
Оққўрғон	0,9	115,3
Бўка	1,5	109,3
Янгийўл	0,7	105,0
Оржоникидзе	3,4	103,9
Қуйи Чирчиқ	2,2	102,5
Чиноз	0,1	101,3
Калинин	4,9	100,2
Ўрта Чирчиқ	2,3	98,7
Пискент	5,0	98,0
Юқори Чирчиқ	8,3	76,8
Оҳангарон	9,5	71,9
Бўстонлиқ	10,1	40,3
Область бўйича	3,7	96,7

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА ПИЛЛА

Пилла қурти боқиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказган КАЛИНИН, ОРЖОНИКИДЗЕ, БЎКА, ҚУЙИ ЧИРЧИҚ районлари давлатга «кумуш тола» етказиб бериш юзасидан қабул қилинган планларини ошириб бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Бу районлардаги барча хўжаликлар шу кунларда мажбурият ҳисобига пилла топширишни давом эттирмоқдалар.

Калинин районидаги Ленин номли, «Ленин йўли», Собир Раҳимов номли, Охунбобоев номли, Қуйи Чирчиқ районидаги Энгельс номли, «Москва», «Ленинград», Оржоникидзе районидаги «Октябрь», «Коммунист», Бўка районидаги «Партия XIX съезди», «Октябрь 40 йиллиги», «Ленин йўли» колхозлари ва шуларга ўхшаш пешқадам хўжаликларда ҳам мажбурият ҳисобига пилла топшириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

ПАРВАРИШ АВЖИДА

Охунбобоев номли колхоз Ўрта Чирчиқ районидаги йирик пахтакор хўжаликлардан. Хўжалик аъзолари Коммунистик партиянинг назбатдаги XXV съездини чақириш тўғрисидаги ҳуш хабарни зўр қувонч билан кутиб олдилар.

Элтой Исоқов, Ғофир Абдураҳимов, Абдуҳомид Мирахмедов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари 40 центнердан ҳосил олиш ниятидалар.

Илғор механизаторлардан Абдураҳмон Султонов, Кўкен Бекенов, Мамат Исроиловлар экиш даврида маҳорат кўрсатиб ишлаб 70—80 гектар ерга чигит экишган эди. Улар энди текис униб чиққан ғўзани сифатли парвариш қилмоқдалар.

А. УЗОҚОВ.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пилла топшириш планини бажарганликлари учун қуйидагилар область «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»ГА ёзиладилар:

Оққўрғон райони (район партия комитетининг секретари **А. Иқромов**, район ижроия комитетининг раиси **С. Ғойипов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Нишонов**, район касаба союзлари комитети раиси **М. Яригин**, бош пилла қуритиш идораси директори **Б. Машрапов**) Районда пландаги 89,0 тонна ўрнига 94,3 тонна пилла топширилиб, йиллик план 105,9 процент бажарилди.

Янгийўл райони (район партия комитетининг секретари **А. Алимов**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Ортиқхўжаев**, район комсомол комитетининг секретари **А. Асадов**, район касаба союзлари комитетининг раиси **Ш. Шамсиев**, бош пилла қуритиш идораси директори **Ж. Еқубов** ўртоқлар). Районда 132,0 тонна ўрнига 133,3 тонна пилла тайёрланиб, йиллик план 101,0 процент адо этилган.

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА:

«Озод» колхози (раиси **Х. Алишев**, партия ташкилотининг секретари **М. Жуманов**). Колхозда 72620 килограмм ўрнига 7322 килограмм пилла топширилиб, йиллик план 100,7 процент бажарилган.

«Партия XXII съезди» колхози (раиси **Р. Эгамбердиев**, партия ташкилотининг секретари **Х. Эрқулов**). 1860 килограмм ўрнига 1879 килограмм пилла топширилиб, планни 100,1 процент бажарган.

Куйбишев номли колхоз (раиси **Э. Ниёзов**, партия ташкилотининг секретари **С. Абдуллаев**). 11650 килограмм ўрнига 11659 килограмм пилла топширилиб, планни 100,1 процент адо этган.

Ҳамид Олимжон номли колхоз (раиси **Ҳ. Эргашев**, партия ташкилотининг секретари **А. Қорабоев**). 8200 килограмм ўрнига 8201 килограмм пилла топширилиб, планни 100,1 процент бажарган.

К. Маркс номли колхоз (раиси **Қ. Жуманов**, партия ташкилотининг секретари **Р. Ҳакимжонов**), 3720 килограмм ўрнига 3728 килограмм пилла топширилиб, планни 100,2 процент бажарган.

Охунбобоев номли колхоз (раиси **А. Холиқов**, партия ташкилотининг секретари **А. Умурзоқов**). 4900 килограмм ўрнига 4985 килограмм пилла топширилиб, планни 101,7 процент бажарган.

«Оққўрғон» совхози (директори **Д. Элчибоев**, партия ташкилотининг секретари **И. А. Сурнин**, ишчилар комитетининг раиси **А. Орипов**). 4300 килограмм ўрнига 4800 килограмм пилла топширилиб, планни 111,6 процент бажарган.

БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА:

«Партия XX съезди» колхози (раиси **М. Хайитбоев**, партия ташкилотининг секретари **А. Маматов**) 6710 килограмм ўрнига, 7595 килограмм пилла топширилиб, планни 119,1 процент бажарган.

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎЙИЧА:

«Октябрь 50 йиллиги» совхози (директори **С. Тожиев** партия ташкилотининг секретари **У. Умуров**, ишчилар комитетининг раиси **М. Аширқулов**). 15000 килограмм ўрнига 15303 килограмм пилла топширилиб, планни 102,2 процент бажарган.

ЎЗБЕКИСТОНДА САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШ

— Ўзбекистон меҳнаткашлари бизга кўрсатган иззат-икром СССР халқларининг Ироқ халқига нисбатан раҳбарлик туйғулари самимий эканлигини яна бир карра исботлайди, — деди СССРдаги Ироқ-Совет дўстлиги кунларида қатнашган ироқ делегациясининг бошлиғи, БАСС партияси Бағдод комитетининг аъзоси, БАСС партияси маҳаллий раҳбарлиги ҳузуридаги соғлиқни сақлаш масалалари билан шуғулланувчи бюро мудири Содиқ Ал-Ваш.

2 июнь куни делегация аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов қабул қилди. Икки ўртада бўлиб ўтган дўстона суҳбатда О. У. Салимов республиканинг Совет ҳокимияти йилларида ҳўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари тўғрисида гапириб берди.

Республикада ироқ-совет дўстлиги кунлари кенг кўламда нишонланмоқда. Ироқлик меҳмонлар Тошкент бўйлаб сайр қилдилар. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишлари билан танишдилар, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар. Чирчиқ меҳнаткашларининг меҳмони бўлдилар. Чирчиқдаги химиклар саройида дўстлик кечаси бўлди. Кеча охирида Ироқ республикаси ва Ўзбекистон санъат усталари катта концерт қўйиб бердилар.

Ироқ делегацияси аъзолари республикадаги энг катта касалхоналардан бири — 2-клиник касалхона билан танишдилар. Тошкент трактор заводида бўлдилар. Бу ерда ироқ-совет дўстлиги митинги бўлди.

(ЎзТАГ).

«САЛЮТ-4»: ЮЛДУЗ ТУРКУМЛАРИ ТАДҚИҚ ЭТИЛМОҚДА

Учишни бошқариш маркази, 2 июнь. (ТАСС). Петр Климук билан Виталий Севастьянов «Салют-4» орбитал илмий станциясининг бортида тадқиқотлар программасини бажарибориб, астрофизик экспериментларни бажаришга киришдилар. 1 ва 2 июнда кўзгу рентген телескоп ёрдамида Акраб, Қиз ва Оққуш буржи рентген манбаларининг нурланиш характеристикалари тадқиқ этилди. Шунда космонавтлар станцияни фазода олдиндан мўлжал олдириб, мўлжал олиш аниқлигини астрономик асбоблар бўйича назорат қилдилар, телескоп вазиятини қайд этиш учун юлдузли осмонни фотосуратга олдилар, сўнгра телескопни ишга солдилар ва ўлчов ишларини бажардилар.

Медицинавий эксперименталр программаси бўйича махсус вакуум костюмлардан фойдаланган ҳолда функционал тадқиқотлар бажарилди.

Климук ва Севастьянов ўртоқларнинг сиҳат-саломатлиги яхши. Станция бортидаги системалар нормал ишлаб турибди.

«Салют-4» орбитал илмий станциясининг учиши давом этмоқда.

«ЛУНА-22»: ОЙ АТРОФИДАГИ ОРБИТАДА БИР ЙИЛ

Олис космик алоқа маркази, 2 июнь. (ТАСС). 1974 йилнинг 29 майида ердан парвоз қилдирилган «Луна-22» автомат станциясининг Ой атрофидаги орбитада учиши давом этмоқда.

2 июнь Москва вақти билан соат 12 гача станция Ой теварагидан 3296 марта айланиб учди. Учиш давида станция билан 2175 марта радиоалоқа сеанси ўтказилди.

Ҳозирги вақтда илмий-тадқиқотлар қўшимча программа бўйича ўтказилмоқда. «Луна-22» автомат станцияси бортидаги ҳамма системалар бир йилдан бери нормал ишлаб турибди.

Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз аъзолари саб завот экини парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар. Суратларда: (ўнгда) колхоз партия ташкилоти секретари А. Абдулқосимов, сабзавоткорлардан К. Абдуллаев, М. Рихсиев ва Қ. Мўминов ўртоқлар. Чапда бригада даласида экинга ишлов бериш пайти.

Н. Тўраев фотолари.

РЕСПУБЛИКА АКТИВИ МАКТАБИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика активи мактабида навбатдаги машғулот ўтказилди. «Халқаро майдондаги идеология курашининг баъзи бир муҳим назарий проблемалари» деган мавзуда КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясининг ректори М. Т. Новчук лекция ўқиди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР РЎЙХАТИ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг ахборотига кўра, сайловлар тўғрисидаги Низомга мувофиқ Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига қуйидаги номзодлар рўйхатга олиндилар:

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ

327-Пушкин сайлов округи — **Лобанова** Евгения Александровна, 1922 йилда туғилган, партиясиз, район туғруқхонасининг врач-акушери — район марказий касалхонаси ходимларидан.

328-Шелковичний сайлов округи — **Абдуҳакимова** Ҳафиза, 1942 йилда туғилган, партиясиз, 4-ўрта мактаб директори, Охунбобоев номли 4-мактаб ходимларидан.

329-Кучлик сайлов округи — **Хегай** Виктор Николаевич, 1934 йилда туғилган, КПСС аъзоси, область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири — «Узсельхозтехника» Тошкент область ихтисослашган базаси ишчилари ва хизматчиларидан.

330-Пахтаобод сайлов округи — **Исмоилов** Аҳмад, 1915 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори — Куйбишев номли колхоз аъзоларидан.

331-Ленин йўли сайлов округи — **Машарипов** Ҳалил, 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Ленин йўли» колхозининг тракторчиси — «Ленин йўли» колхози аъзоларидан.

332-Коммунизм сайлов округи — **Шоднев** Ҳатам, 1928 йилда туғилган, КПСС аъзоси, А. Икромов номли колхоз бригадири — А. Икромов номли колхоз аъзоларидан.

ЧИНОЗ РАЙОНИ

333-Чиноз сайлов округи —

(Бошқа ўтган сонларида).

Одилхонова Машҳура Сайдуллаевна, 1946 йилда туғилган, партиясиз, марказий касалхона врачи — марказий касалхона медицина ходимларидан.

334-Завод сайлов округи — **Гараев** Вячеслав Николаевич, 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси, қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг директори — Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

335-Янгичиноз сайлов округи — **Гришина** Дина Васильевна, 1936 йилда туғилган, партиясиз, Добролюбов номли 6-мактаб ўқитувчиси — Добролюбов номли 6-мактаб ходимларидан.

336-Мичурин сайлов округи — **Марасулова** Мамлакат, 1951 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, К. Маркс номли колхоз сут соғувчиси — К. Маркс номли колхоз аъзоларидан.

337-Йўлтушган сайлов округи — **Азаматов** Абдулла, 1934 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Қизил Октябрь» колхозининг бош агрономи — «Қизил Октябрь» колхози аъзоларидан.

338-Яллама сайлов округи — **Турғунбоева** Сафаргул, 1936 йилда туғилган, партиясиз, Охунбобоев номли колхоз колхозчиси — Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан.

339-Охунбобоев сайлов округи — **Азимов** Комил, 1928 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Охунбобоев номли колхоз раиси — Охунбобоев номли колхоз аъзоларидан.

340-Ўзбекистон сайлов округи — **Иброҳимова** Баҳриниса Сафаралиевна, 1956 йилда туғилган, КПСС аъзолигига кандидат, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг колхозчиси — «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози аъзоларидан.

341-Олмазор сайлов округи — **Бузруков** Улуғ, 1930 йилда туғилган, КПСС аъзоси, район ижроия комитетининг раиси — 1-қишлоқ профессионал техника билим юрти ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

342-Темирйўл сайлов округи — **Усмонов** Мухсин, 1921 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Тошкент область ижроия комитети юстиция бўлимининг бошлиғи — Октябрь районлараро савдо базасининг ходимларидан.

343-Техникум сайлов округи — **Гусаков** Николай Иванович, 1933 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Чиноз наслчилик совхоз-техникумининг директори — Чиноз қишлоқ хўжалиги техникуми ходимлари ва талабаларидан.

344-Племсовхоз сайлов округи — **Люманов** Ридван, 1937 йилда туғилган, партиясиз, Чиноз наслчилик совхоз техникумининг механизатори — Чиноз совхозининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

345-Собир Раҳимов сайлов округи — **Шамсиев** Есжон, 1921 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Энгельс номли колхоз раиси — Энгельс номли колхоз аъзоларидан.

346-Тельман сайлов округи — **Крилов** Александр Андреевич, 1934 йилда туғилган, КПСС аъзоси, район партия комитетининг иккинчи секретари — «Партия XXIV съезди» совхози ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

347-Октябрь сайлов округи — **Азимова** Сотқиной, 1951 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Навоий номли колхоз колхозчиси — Навоий номли колхоз аъзоларидан.

348-Эскитошкент сайлов округи — **Деҳқонова** Шерват, 1942 йилда туғилган, партиясиз, «Москва» колхозининг колхозчиси — «Москва» колхози аъзоларидан.

349-Киров сайлов округи — **Суюнбоева** Тўхта, 1943 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Киров номли колхоз колхозчиси — Киров номли колхоз аъзоларидан.

350-Аччиқкўл сайлов округи — **Саъдуллаев** Раҳматулла, 1928 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Жамбул номли қўйчилик совхозининг директори — Жамбул номли совхоз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ

351-Оржоникидзе сайлов округи — **Хўжаева** Жамила, 1947 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, К. Маркс номли 3-мактаб ўқитувчиси — К. Маркс номли 3-мактаб ходимларидан.

352-Свердлов сайлов округи — **Исмоилова** Қумри, 1937 йилда туғилган, партиясиз, Свердлов номли совхоз ишчи — Свердлов номли совхоз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

353-Солнечний сайлов округи — **Йўлдошева** Назира, 1928 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Свердлов номли совхоз пахтачилик бригадасининг бригадири — Свердлов номли совхоз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

354-Ўртаовул сайлов округи — **Кабачков** Петр Александрович, 1926 йилда туғилган, КПСС аъзоси, область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари — Янгийўл ремонт заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

355-Қорақудуқ сайлов округи — **Жўрабоева** Маҳбуба Тўраевна, 1954 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Тошкент гўшт комбинатининг ишчиси — Тошкент гўшт комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

356-Куйбишев сайлов округи — **Мирзарахмедов** Баҳром, 1927 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Коммунизм» колхозининг бош агрономи — «Коммунизм» колхози аъзоларидан.

357-Фрунзе сайлов округи — **Қаршибоева** Асемгуль, 1952 йилда туғилган, партиясиз, Фрунзе номли колхоз колхозчиси — Фрунзе номли колхоз аъзоларидан.

358-Жданов сайлов округи — **Эгамов** Ҳолмат, 1949 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Жданов номли колхоз тракторчиси — Жданов номли колхоз аъзоларидан.

359-Нов сайлов округи — **Толипов** Юсуп, 1932 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Ленинизм» колхозининг раиси — «Ленинизм» колхози аъзоларидан.

360-Ленин сайлов округи — **Абдуғаниева** Туймажон, 1946 йилда туғилган, партиясиз, Ленин номли колхоз колхозчиси — Ленин номли колхоз аъзоларидан.

361-Қизил Октябрь сайлов округи — **Тошбеков** Баҳром Усмонович, 1927 йилда туғилган, КПСС аъзоси, область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири — Ленин номли колхоз аъзоларидан.

362-Ниёзбош сайлов округи — **Зокирова** Ўғилжон Ортиқалиевна, 1952 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, Ленин номли колхоз колхозчиси — Ленин номли колхоз аъзоларидан.

363-Ниёзов сайлов округи — **Мадалиев** Фозил, 1930 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ниёзов номли колхоз раиси — Ниёзов номли колхоз аъзоларидан.

364-Ҳалқобод сайлов округи — **Жуманбоева** Ҳолида Обидовна, 1951 йилда туғилган, ВЛКСМ аъзоси, У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмасининг ишчиси — У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси 1-бўлимининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

365-Петров сайлов округи — **Назаров** Анвар, 1936 йилда туғилган, КПСС аъзоси, У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмасининг катта агрономи — У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси 4-бўлими ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

366-Навоий сайлов округи — **Аҳмедов** Сандориф, 1924 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Ташқадбинсовхоз» область трестининг бошқарувчиси — У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси 6-бўлимининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

367-Чақчам сайлов округи — **Ортиқхўжаев** Турсунбой, 1927 йилда туғилган, КПСС аъзоси, район ижроия комитетининг раиси — Партия XXI съезди номли колхоз аъзоларидан.

368-Шўрали сой сайлов округи — **Мадраҳимова** Дариҳа, 1946 йилда туғилган, партиясиз, Ҳ. Турсунқулов номли колхоз колхозчиси — Ҳ. Турсунқулов номли колхоз аъзоларидан.

369-Тимирязев сайлов округи — **Жўраев** Усар, 1923 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ҳ. Турсунқулов номли колхоз раиси — Ҳ. Турсунқулов номли колхоз аъзоларидан.

370-Калинин сайлов округи — **Алимов** Акрам Пўлатович, 1924 йилда туғилган, КПСС аъзоси, район партия комитетининг биринчи секретари — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

371-Эскиқовунчи сайлов округи — **Отабоева** Роза Турсуновна, 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Калинин номли колхоз раиси — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

372-Жамбул сайлов округи — **Валиев** Акмал, 1931 йилда туғилган, КПСС аъзоси, область план комиссиясининг раиси — асфальт-бетон заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

373-Интернационал сайлов округи — **Гасанова** Замигул Лизгиевна, 1952 йилда туғилган, КПСС аъзолигига кандидат, «Интернационал» колхозининг колхозчиси — «Интернационал» колхози аъзоларидан.

374-Новомихайловск сайлов округи — **Саранаев** Сервер Османович, 1928 йилда туғилган, КПСС аъзоси, «Ташоблколхозстрой» трестининг бошқарувчиси — «Интернационал» колхози аъзоларидан.

375-Илмий-шаҳарча сайлов округи — **Шурова Людмила** Георгиевна, 1938 йилда туғилган, партиясиз, САИМЭ илмий ходими — САИМЭ ишчилари ва илмий ходимларидан.

Рашида Раҳимованинг Тошкент чинни заводида ишлаётганига етти йил бўлди. Шу вақт мобайнида у ўз касбининг устаси сифатида танилди. Ҳозир Рашида заводда комсомол-ёшлар бригадасига бошчилик қилади. Ёш бўлса ҳам, ўз ҳунарини пухта эгаллаган Р. Раҳимова кўпгина шогирдлар тайёрлади. Ҳамиша ўзининг ишчанлиги, касбдошларига бўлган эътибори билан ҳурмат қозонган Рашида яқинда 31-Янги турмуш сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Суратда: Рашида Раҳимова (ўнгда) ўз устози Мунаввар Қодирова билан иш устида.

А. Авазов фотоси.

РАҲМАТ, ШИФОКОРЛАР

Бу воқеа шу йилнинг 18 март куни кечки пайт содир бўлган эди. Уй юмушларини бажариб юрардим. Бирдан кўнглим айниб, бошим оғриб, юрагим безовта бўла бошлади. Ҳушимдан кетиб қолдим. Кўзимни очиб қарасам, 16-шаҳар касалхонасида ётибман. Оқ халатли ҳамширалар, шифокорлар атрофимда парвона эдилар.

Кейин билсам, ўша куни турмуш ўртоғим Раҳим Сиддиқов келиб қолиб, роса безовта бўлибдилар. Шу пайт қўшнимизнинг ўғли чиқиб қолибди. У ўзининг машинасида мени касалхонага олиб келишга кўмаклашибди.

Анчагача юрагимнинг безовталанишн тўхтамади. Лекин, шифокорлар профессорлардан Улуғбек Асқаров, 1-терапия бўлимининг мудири тажрибали врач Жўра Хўжаев, даволовчи врач Амина Жамолиддинова, врачлардан Т. Г. Крилова ўртоқларга минг-минг раҳмат. Улар кечаю-кундуз менинг холимдан хабардор бўлиб туришди, яхши сўзлар айтиб кўнглимни кўтаришди, даволашди.

Мен салкам икки ой деганда ўзимга келдим. Билмадим, агар тажрибали ва меҳрибон шифокорлар бўлишмаганда менинг ҳолим нима кечар эди.

Мана мен яна илгаригидек соғайиб кетдим. Бутун онламиз аъзолари номидан шифокорларга чин юракдан миннатдорчилик билдиришни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан.

Раҳмат сизга, шифокорлар!

Жамила ҲАЙДАРОВА,
Тошкент шаҳар, Чиғатой кўчаси, 1-Чимбой маҳалласи

САЙЛОВЧИЛАР ЎРТОҚ Д. Ф. УСТИНОВ БИЛАН УЧРАШДИЛАР

Ковров шаҳридаги В. А. Дегтярев номли маданият уйи байрамлардагидек безатилган. Владимир областининг Ковров сайлов округи сайловчилари 30 май куни бу ерда РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Дмитрий Федорович Устинов билан учрашдилар.

Ковров шаҳар ижроия комитетининг раиси А. К. Коновалов учрашувни очди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — машинасозинженер Ю. М. Сазикин Д. Ф. Устиновнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти тўғрисида тўпланганларга сўзлаб бериб, округдаги ҳамма сайловчиларни сайлов куни унга якдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашувда сўзга чиққан В. А. Дегтярев номли заводнинг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. В. Кочеригин, механика заводи ёшлар комплекс бригадасининг бошлиғи Л. П. Пролетова, «Искра» колхози Сельцово сут-товар фермасининг мудираси К. И. Горбишева, экскаватор заводининг йўнувчи токари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Д. Афонин, Владимир политехника институти Ковров филиалининг илмий ходими Г. И. Бессуднова, КПСС Ковров шаҳар комитетининг биринчи секретари И. В. Филиппов ва бошқалар Ленин партиясининг доно раҳбарлигида совет халқи эришган улкан муваффақиятлар тўғрисида гапирдилар.

Нотиқлар Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг собитқадамлик билан олиб бораётган амалий фаолиятини якдиллик билан маъқулладилар.

Сўзга чиққан нотиқлар барча совет кишилари сингари Ковров меҳнаткашлари ҳам сайловни зўр сиёсий активлик ва меҳнат жўшқинлиги вазиятида кутиб олаётганликларини таъкидладилар. Корхоналарнинг коллективлари КПСС XXV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб план топшириқларини, юксак социалистик мажбуриятларни астойдил тўла ва ошириб бажармоқдалар.

Шундан кейин тўпланганлар томонидан қизғин кутиб олинган Д. Ф. Устинов нутқ сўзлади. У Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига номзодини кўрсатиб, уни қўллаб-қувватлаган йиғилиш аҳлига, Ковров сайлов округининг барча сайловчиларига астойдил миннатдорчилик изҳор этди.

Менинг шаънимга айтилган самимий сўзлар ва менга билдирилган ишончни, деб сўзини давом эттирди депутатликка номзод, мен коммунист сифатида жонажон Коммунистик партиямизга, унинг ленинчи Марказий Комитетига айтилган самимий сўзлар ва унга билдирилган ишонч деб биламан.

(ТАСС).

САЙЛОВЧИЛАР ЎРТОҚ И. В. КАПИТОНОВ БИЛАН УЧРАШДИЛАР

Москва областининг РСФСР Олий Советига сайлов ўтказувчи Подольск шаҳар сайлов округидаги корхоналарнинг вакиллари 30 майда янги «Октябрь» маданият саройига тўпланишди. Бу ерда сайловчилар шу округдан депутатликка номзоди кўрсатилган КПСС Марказий Комитетининг секретари Иван Васильевич Капитонов билан учрашдилар.

Сайлов олди йиғилишини Подольск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. Г. Мельников очди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — Калинин номли механика заводининг слесари И. Т. Самохвалов йиғилишда И. В. Капитоновнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳақида гапирди.

Йиғилишда К. Готвальд номли кабель заводининг ишчиси А. А. Маткова, С. Оржоникидзе номли машинасозлик заводининг директори Е. В. Макаров, 1-«Мособлстрой» трести пардоз ишлари қурилиш бошқармаси комсомол ташкилотининг секретари бўёқчи Н. А. Баринова, райондаги марказий касалхонанинг врачи А. А. Галдина сўзга чиқдилар. Улар сайлов кампанияси якунловчи йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажариш йўлида сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда ўтаётганлигини таъкидладилар.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитети ва Совет давлатининг ички ҳамда ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг мамлакатимизда коммунистик жамият қуришга, бутун дунёда тинчликни сақлашга қаратилган амалий фаолиятини якдиллик билан маъқулладилар. Учрашув қатнашчилари Москва областидаги меҳнаткашлар номидан партия Марказий Комитетини ишонтириб, КПСС XXV съездини янги меҳнат зафарлари билан кутиб оламиз, деб таъкидладилар.

Сўзга чиққан ўртоқлар сайловчиларни сайлов куни коммунистлар бидан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга даъват этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари самимий кутиб олган И. В. Капитонов нутқ сўзлади. У юксак шараф ва катта ишонч изҳор қилганликлари учун Подольск шаҳар сайлов округининг барча сайловчиларига самимий ташаккур айтди. Мен, деди у, бу ишончни партиямизга, унинг Марказий Комитетига изҳор қилинган ишонч деб қабул қиламан. Партиямизнинг бутун тарихи, бизнинг ҳар бир кунимиз коммунистлар партиясининг ишчилар синфи манфаатларига, бутун совет халқи манфаатларига хизмат қилишдан ҳам юксак мақсади йўқ эканлигини яққол тасдиқлайди. (ТАСС).

БАХТНИНГ МЕЗОНИ БЎЛМАЙДИ

Биз учрашмоқчи бўлган қаҳрамон Ангренда истиқомат қилади. Исми оддийгина, фамилияси ҳам — Ўрмонали Бердиев. Комсомоллик стажи ҳам ўн йилга яқинлашиб қолди. Лекин унга шахтада, турли хил йиғинларда «Ўрмонали Назарович», деб мурожаат қилишади.

Бунинг боиси бор, албатта. У — 9-шахта кончиларининг меҳнаткашлар депутатлари область Советидаги тўла ҳуқуқли вакили. Уни область Совети сессияларида кўп учратганмиз.

Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Ю. Остряков ёш шахтёр йигит ҳақида анча илиқ гаплар айтди. Шахта коллективи тўққизинчи беш йиллик планини реализация бўйича муддатидан илгари шу йилнинг 8 майида бажарди. Бу муваффақият шахтада меҳнат қилаётган Ўрмонали ва унинг дўстлари — бутун коллектив кўрсатаётган ғайрат-шижоат туфайли қўлга киритилди. Меҳнат унумдорлиги 10,7 процентга ошди, бошқача қилиб айтганда, ҳар ойда қўшимча 76,8 тонна кўмир қазиб чиқарилди. Шахтёрлар ҳисоб-китоб қилиб кўришди, бу йил пландан ташқари 260 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Беш йиллик якунида бу сумма 2 миллион 675 минг сўмга етади.

Кончилик Ўрмоналига ота касб эмас. Таржимаи ҳоли ҳам оддийгина. У 1948 йилда колхозчи оиласида туғилди, посёлкадаги 3-сакқиз йиллик мактабда ўқиди. Улар турадиган уй кўмир конларига яқин эди. У кечаю-кундуз шахтадан вагон-вагон кўмир жўнатилаётганини завқ-шавқ билан узоқ кузатарди. Одамлар уйини, қалбини иситишдек шарафли касб эгаларига ҳавас унда ўша ўқувчилик кезлари пайдо бўлди. У мактабни битирган куниёқ кўмир конига келди.

— Биз яшаб турган даврда ҳамма меҳнат ҳам қадрли, фақат унга қизиқиш керак, холос. Устозим Боймирза Нормирзаев шундай дедилар.

Ўғлининг иштиёқ билан сўзлаши Назар отани ҳурсанд қилди. У ўғлига оқ йўл тилади.

Ўрмонали дастлаб ёғоч етказиб берувчи ишчи бўлди, кўмир қазиш жараёнининг миридан-сиригача ўргана борди. Тиришқоқлиги, ҳозиржавоблиги, ўткир зеҳни, аввало шахтёрлик касбига бўлган чуқур муҳаббати билан у ўзи ишлаётган 4-участка ишчиларининг меҳрини қозонди. Шахта комсомол комитетига аъзо бўлиб сайланди. Тез орада у шахтада энг масъулиятли ҳисобланган касблардан бири — мустаҳкамловчиликни эгаллади.

Аввало, мустаҳкамловчи ҳақида икки оғиз сўз. Ёпиқ усулда кўмир чиқариладиган конда ер ости қатламларига проходкачилар томонидан йўл очилади. Улар йўлакка вақтинча тиргаклар қўйиб ёўл очишда давом этавиришади. Мустаҳкамловчининг вазифаси ана шу йўлакнинг ости-усти, ёнларини мустаҳкамлашдан иборат. Чунки, ҳеч қандай ташқи ёки ички таъсир йўлакнинг транспортёр лентасида кўмир ўтказишига раҳна солмаслиги керак. Бу мураккаб ва масъулиятли иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин, Ўрмоналининг ўткир заковати ва ёшлик қудрати устун келди. У доимо иш нормасини 110—115 процентдан камайтирмай бажармоқда.

Коммунистик меҳнат зарбдори Ўрмонали жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. У XIV чақириқ область Советининг депутати сифатида сайловчиларнинг кўплаб наказларини бажарди. Қаровсиз ётавериб яроқсиз бўлиб қолган «Новатор» клуби капитал ремонт қилинди. Кўчалар, йўллар тартибга солинди.

Биз ушбу лавҳамизнинг муқаддимасида эл ҳурмат-эътиборини саҳий қўёш тафтига, унинг доно ўғил қизларини эса юксакликларга қиёс қилдик. Ана шу Офтоб ёғдуси Ўрмоналига ҳам насиб этмоқда. У Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 57-Шахтёр сайлов округидан республика Олий ҳокимият органига номзод қилиб кўрсатилди. Бу ишонч жуда катта шараф ва бахтдир.

Бахтнинг эса мезони бўлмайди.

А. АБДУБАННОПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Область автомобиль юк ташиш трести коллективи шаҳар ва районлардаги юзлаб корхоналар, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларга транспорт хизмати кўрсатмоқда.

Автомобилчилар халқ хўжалик юкларини белгиланган манзилларга ўз вақтида етказиб бериш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Якунловчи йилнинг ўтган тўрт ойи учун мўлжалланган юк ташиш топшириғи анча знёдаси билан адо этилди. Пландагига нисбатан 2,1 процент кўп юк жойларга етказиб берилди. Бу қўшимча ўғларча мижозларга транспорт хизмати кўрсатилди, уларнинг оғири енгил қилинди, демакдир. Энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланган юк обороти плани ҳам қўнгилдагидек адо этилмоқда. Ўтган тўрт ойда у 103,7 процентни ташкил этди.

Трест корхоналари коллективлари шу кунларда қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва 1975 йилда зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла-тўкис бажарилишига эришиш учун мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқдалар.

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Тошкент область луб тайёрлаш трести корхоналари тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йили планини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этмоқдалар.

Айниқса, Жумабозор луб заводи ишчи-хизматчиларининг меҳнат натижаси самарали бўлмоқда. Улар трестга қарашли корхоналар коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг олдинги сафларида боришяпти.

Корхона коллективи маҳсулот реализация қилиш беш ойлик планини муддатидан анча илгари адо этди. Шу давр мобайнида пландагидан ташқари 120 тоннадан кўпроқ канап толаси ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Қўшимча 180 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун етказиб берилди.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИ

„ПАРТИЯ ТУРМУШИ“

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети журнали «Партия турмуши»нинг май ойи сони босмадан чиқди. Журнал КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми тўғрисидаги информацион билдириш ва Пленум қарорларини эълон қилган.

Буюк ғалабанинг 30 йиллигига бағишланган материаллар журнал саҳифаларидан катта ўрин олган. Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий Округи қўмондонининг биринчи ўринбосари, генерал-лейтенант Ю. Максимовнинг «Совет халқининг буюк жасорати», Шуҳрат орденининг тўла кавалери подполковник Ғ. Валиевнинг «Великие-Лукидан Берлингача», Сирдарё район ижроия комитетининг раиси запасдаги гвардиячи капитан У. Хўжаевнинг «Жангларда тобланган дўстлик» мақолаларида совет ҳалқининг оммавий қаҳрамонлиги мадҳ этилган.

Журналдан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Андижон область партия комитетининг оммавий информация ва пропаганда воситаларига раҳбарлик қилиши тўғрисида»ги қарори ҳам ўрин олган. «Ўзбекистон комсомолининг 50 йиллигига» рубрикаси остида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғофуржоновнинг «Шонли кураш ва ғалаба йўли» мақолаларини ўқишингиз мумкин.

«Шу куннинг мавзуида» рубрикаси остида «Советларга сайловлар» ва «Коммунистик меҳнат байрами» редакцион мақолалари жой олган.

«Хўжаликка раҳбарлик» бўлимида Ўзбекистон Компартияси Бекобод район комитети биринчи секретари З. Махсумовнинг «Якунловчи йил ҳосилига мустаҳкам замин яратайлик», «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Мирзаевнинг «Йил бўйи сабзавот етиштирайлик» мақолалари босилган.

«Ташкилий-партиявий ишлар» рубрикаси остида Ўзбекистон Компартияси Хива район комитетининг иккинчи секретари А. Саъдуллаевнинг «Райкомнинг ишончли кўмакчиси», журналнинг жамоатчи мухбири А. Тўлагановнинг «Советларнинг доимий комиссиялари активлашмоқда» каби мақолалари берилган. Журналнинг «Идеология иши ва ҳаёт», «Маҳаллий партия ташкилотларида» бўлимларида ҳам қизиқарли мақола, корреспонденция ва хабарлар билан танишиш мумкин.

ЗАФАРЛИ ОДИМЛАР

Республика давлат ҳокимиятининг олий органи ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига бўлажак сайловларга тайёргарлик меҳнаткашларнинг юксак меҳнат кўтаринкилиги остида ўтмоқда. Айниқса, КПСС Марказий Комитети апрель (1975) Пленумининг партия XXV съездига чақириш тўғрисидаги қарори тайёргарликнинг қизғин тус олишида муҳим омил бўлди.

Сайлов олди кампанияси бу йил ҳам ҳар доимгидек Советлар ишларининг кўригига айланди. Шу кунларда XIV чақириқ Тошкент области маҳаллий Советлари депутатлари ўз ваколатларининг якуний босқичида сайловчилар олдида ҳисоб бермоқдалар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигига тайёргарлик руҳида ўтган кейинги йилларда пойтахт области экономикаси ҳар томонлама ривожланди ва янада мустаҳкамланди. Фан-техника ва маданият тезкор суръатлар билан ўсди. Буларнинг ҳаммаси ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг КПСС XXIV съезди қарорлари, партия Марказий Комитети Пленумлари кўрсатмалари асосида қилаётган қизғин меҳнатлари, партия ва Совет органлари катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг қонуний натижасидир.

1973—1974 йилларда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми анча ўсди. Пландан ташқари 111,9 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди, бунинг муҳим қисмини кенг халқ истеъмол товарлари ташкил қилади. Бекобод цемент комбинати, металлургия заводи, «Чирчиксельмаш», Янгийўл биохимия заводлари, Ангрен керамика комбинати, Оҳангарон ун комбинати, Олмалиқ мебель фабрикаси ва бошқа корхоналарда қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ҳаракатга келтирилди.

Партия аграр сиёсатининг самараси туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш юксак суръатлар билан ривожланди. Кейинги икки йил мобайнида пахта етиштириш олдинги икки йилга нисбатан 78,7 минг тонна, дон 44,9 минг тонна, маккажўхори 21,3 минг тонна, сабзавот 98,3 минг тонна кўп бўлди. Картошка, мева, узум, ғалла, тухум ва жун етиштириш сезиларли равишда кўпайди.

Гўшт ва сут тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. 54 минг чўчқа боқиладиган «Сергели» комплекси, 10 минг бузоқ парваришлаш қилинаётган 7-совхоз эришган муваффақиятлар диққатга сазовордир. 2800 сигирга мўлжалланган 6 та янги сут комплекси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб ишга туширилди. Янгидан 5 та сабзавот ва картошка етиштиладиган совхоз ташкил қилинди. Ҳозир 50 гектар майдонга эга бўлган лимончилик хўжалиги лойиҳаси тузилмоқда. Янгийўл районида 5 та пахтачилик совхози ташкил қилинади, шунингдек, мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириладиган хўжаликлар иш бошлайди.

Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили планлари за зиммага олинган мажбуриятларни бажариш юзасидан социалистик мусобақа авж олиб кетди. Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабанинг 30 йиллиги шарафига олинган мажбуриятлар бажарилди. Тўрт ойлик пландан ташқари 28 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Бу мажбуриятда белгиланганидан анча ортиқдир.

Баҳорги дала ишлари ўз вақтида ўтказилди. Сув камчил бўлган шароитларда пахтакорларимиз, чорвадор ва сабзавоткорларимиз— областимиздаги барча колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлашни кўпайтириш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар.

Ўтган икки йилу тўрт ой ичида халқ фаровонлиги ўсди. Иш ҳақининг, стипендиялар, ва турли хил нафақаларнинг оширилиши муносабати билан аҳолининг реал даромадлари тағин ҳам кўпайди. Уй-жой, маиший ва маданий қурилиш янада ривожланди, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланди.

Область шаҳар ва қишлоқларида умумий овқатланиш, савдо, маиший хизмат тармоқлари кенгаймоқда, янгидан ясли ва боғчалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари барпо қилинаётир. Ободончилик авж олдирилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси Советлар фаолиятининг, ижроия комитетлар, доимий комиссиялар ҳамда сайловчилардан тушган наказларни бажаришга энг муҳим иш деб қараётган толмас депутатларнинг ҳам ютуғидир.

Ҳокимият маҳаллий органларининг фаолияти жуда серқирра. Меҳнаткашларнинг муносиб вакиллари-областдаги 151 маҳаллий Советда 14 минг ишчи, колхозчи ва зиёли ўз бурчларини садоқат билан бажармоқда. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва бошқа жуда кўп муҳим вазифаларни бажаришда депутатлар турли жамоат ташкилотларига уюшган 100 мингдан ортиқ активнинг ёрдамига таянмоқдалар. Советлар фаолиятидаги жамоатчилик асосларининг кенг ривожланиши — совет жамияти демократик характерининг ёрқин далили ва совет турмуш тарзининг афзал исботидир.

Тажрибалардан тўла равишда фойдаланиш, муваффақиятларга эришиш ва уларни янада кўпайтириш, зафар эстафетасини олга элтиш янги чақириқ Советларининг жанговар вазифаси бўлиши керак. Улар ўз фаолиятларини партиянинг бўлажак XXV съезди арафасида бошлайдилар.

Областимиз территориясида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 57 округ тузилган, шунингдек область Советига 375 округ, шаҳарлар Советларига 1505 округ, районлар Советларига 1767 округ, қишлоқ Советларига 7149 округ, посёлка Советларига 1344 округда сайловлар ўтказилади.

Сайловолди кампанияси кенг кулоч ёйди. Оммавий-сиёсий ишлар кучайтирилмоқда. Бу ишлар билан областимизда ташкил қилинган 700 агитпункт шуғулланмоқда. Меҳнат коллективларида ва аҳоли яшайдиган пунктларда агитаторлар, пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар мамлакатимизда коммунистик қурилиш сўрғалари, республикамиз ва областимиз меҳнаткашлари эришаётган муваффақиятлар ва ижобий силжишлар ҳақида ёрқин мисоллар билан ҳикоялар қилиб бермоқдалар.

Совет сайлов системаси, социалистик демократиямиз, ленинчи Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсати ҳақида лекция ва докладлар, мазмунли суҳбатлар уюштирилмоқда. Иш сайловчилар билан ишлашга алоҳида эътибор берилаётир. Кўргазмали ва оғзаки пропаганда воситалари оммa меҳнат активлигининг янада самарали бўлишига қаратилмоқда.

Ўтказилган меҳнаткашларнинг сайловолди йиғилишларида депутатликка номзод қилиб саноат ва қишлоқ хўжалигининг пешқадамлари, интеллигенциянинг энг яхши вакиллари, партия ва совет органларининг раҳбарлари кўрсатилди.

Ана шундай юксак ишончга сазовор бўлган кишилар орасида Олмалиқ мебель фабрикасининг пардозловчиси Александра Криловна Петкеева, «Ғаллақудуқ» совхозининг соғувчиси Каромат Толишбекова, Янгийўл гўшт комбинатининг ишчиси Маҳбуба Жўрабоева, Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхоз тракторчиси Хайитбой Обидов ва бошқа кўплаб шу сингари коллективлардаги социалистик мусобақа илғорлари бор.

Советларга сайловлар бизда ҳар доим совет кишиларининг бирлиги тимсоли бўлиб келган. Халқимиз бу сафар ҳам коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагига мустаҳкам жипслашган ҳолда бу муҳим санани кутиб олмоқда.

Шубҳа йўқки, областимиз меҳнаткашлари 15 июнда коммунистлар ва партиясизлар бузилмас блокининг кандидатлари учун бир оғиздан овоз берадилар.

А. НАЗАРОВ,

меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг секретари.

САЙЛОВДАН—САЙЛОВГАЧА

ҒЎЗА СУВГА ҚОНСИН

Донгдор пахтакор Ҳакимполвон Қодиров бошлиқ бригаданинг далаларини айлансангиз, ҳавасингиз келади.

Ғўзалар гуркираб ўсмоқда. Бу ерда чопиқ, ягана жуда қисқа вақтда ўтказилди. Ғўзанинг талабига қараб культивация қилинмоқда. Барча майдонлардаги ғўзалар шонага кирай деб турибди. Айниқса, иккинчи сувдан чиққан ғўзаларнинг аҳволи яхши. 5—6 барг чиқариб қолган.

— Аммо, — дейди бригада бошлиғи,— биз бу билан қаноатланмаймиз. Баҳорда рўй берган қийинчиликларни қадамбақадам енгиб, қисқа вақт ичида ғўзалар ҳосил шохларини кўпайтириш учун нима зарур бўлса, шуни амалга оширяпмиз. Минерал ва маҳаллий ўғит ерга кўпроқ ташланяпти. Шу туфайли ҳам ниҳоллар беғубор ўсяпти. Сув тежаб-тергаб сарфланяпти. Ўқариқлар кўпайтирилди. Сизот сувлари ҳам экинларга қўйиляпти.

Район суғориш системаси ходимлари бундан бир неча кун илгари 1-«Пискент» совхозининг далаларида тунги суғориш қандай бораётганлигини кўздан кечирдилар. Маълум бўлишича, сувчилар ишни икки сменада ташкил этишган. Ўрток Ўрин Мубораков, Зоҳиддин Усмонов бошлиқ бригада сувчилари ҳар бир литр сувни тежаб-тергаб сарфлаб, кундалик нормани ортиғи билан бажаряпти. Свердлов номли колхознинг Темир Мирзақулов бошлиқ бригада экин майдони энг узоқ, тез-тез сув таниқислиги рўй бериб турадиган участкада. Шунга қарамай, бу йил бригада аъзолари янада зўр ғайрат ва ташаббус билан ишлаяпти. Сувнинг асосий қисми ғўза қаторларига тараляпти. 12 сувчининг ҳаммаси ўзига берилган сувдан кўпроқ фойдаланмоқда. Кечалари сувнинг оқиши кузатилади, эртасига янги карталарга сув таралади.

Пахтакорлар экинларни тезроқ ривожлантиришга бел боғлашди. Ҳар 70—80 метрдан ўқариқ олиниб, сув қўяётган хўжаликлар районда кўп. Сувчилар сони оширилган. Калинин номли, Тельман номли, Свердлов номли колхозларнинг сувчилари нормадагига нисбатан 1,5 баробар кўпайтирилди. Бу эса сувдан фойдаланиш коэффициентини яхшилади. Анчагина майдондаги ғўзалар иккинчи сувдан чиқариб қўйилди.

Маҳаллий партия, совет, хўжалик ташкилотлари сувчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдириб уларга ғамхўрлик қилишни тобора яхшиламоқдалар. Ғўзани сифатли суғоргани, исроф бўлишига йўл қўймаган колхозчиларга оширилган баҳоларда ҳақ тўлаш жорий қилинди.

Лекин, ҳамма ерда ҳам бу иш кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Далада ишлаётганларга, айниқса, сувчиларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг баракали ишлашлари учун барча шароит яратиб берилмаган. Тельман номли колхозда ана шундай фактга дуч келиш мумкин. Бу ердаги баъзи бригадаларда дала шийпонлари яхши жиҳозланган, сувчиларга ғамхўрлик кучайтирилган, иссиқ овқат ўз вақтида тайёрланади, сувчиларнинг кўпчилиги тунги тошчироқлар билан таъминланган, дам олишлари учун жой ҳозирлаб қўйилган. Аммо, баъзи бригадаларда эса бундай муҳим ишга эътибор берилмаяпти. Бунга бригада бошлиқлари ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам айбдорлар. Адаш Ашуров, Абдулла Неъматов каби тажрибали сувчилар билан суҳбатлашганимизда улар «Суғориш ҳақида кўп гап бўлади-ю, аммо иш шароитимизни яхшилашга етарли эътибор берилмайди» деб ўринли эътироз билдиришди.

Бу ягона факт эмас. Бошқа хўжаликларда ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, сувчиларнинг сонини кўпайтириш билан чегараланиб қолиш ярамайди. Уларга барча шарт-шароитлар яратиб бериш ҳам даркор. Ана шундагина ҳамма сувчи ҳам янада баракали меҳнат қилади, ўзига топширилган ишни сидқидилдан бажариб мусобақадошлари олдида юзлари ёруғ бўлади.

Райондаги статистик маълумотларга қараганда «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози суғоришдан орқада қолмоқда. Экин майдонининг ярми энди иккинчи сувдан чиқди. Бунга сабаб нима? Колхоз сувни кам оляптими? Йўқ, мавжуд сувдан кеча-кундуз тўла фойдаланилганда бундай қолоқлик юз бермаган бўлар эди. Хўжалик сўнгги беш кунда 225 гектар ерни сувдан чиқарадиган миқдорда сув олди. Амалда эса бор-йўғи 100 гектарга яқин ғўза суғорилди, холос. Бу ерда сувчилар ҳам кам. 30 ўрнига 15—12 сувчи ишлаяпти, холос. Қолганлари эса қаерда нима билан шуғулланиб юрганлигини ҳеч ким билмайди. Колхоз раҳбарлари, бригада бошлиқлари билан гаплашилганда улар камчиликларни тузатамиз, суғоришни тезлаштирамиз, деб бепарволик билан жавоб беришади.

«Оққўрғон» совхозида маккажўхорини парваришлаш сифатли ўтказилмоқда. Ҳ. Аҳмедов бошлиқ бригада 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 110 центнердан маккажўхори дони олиш учун курашмоқда. Суратда: бригаданинг энг яхши сувчиси Ҳайрулла Аҳмедов. У кунлик нормасини 1,5—2 ҳисса бажармоқда.

С. Маҳкамов ва Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Свердлов номли колхоз билан Охунбобоев номли колхоз қўшни. Бир-бирлари билан мусобақадош. Аммо, нима учундир кейинги вақтда бу мусобақадошлар дала ишларининг бориши юзасидан бир-бирларини текширишмаяпти. Бу эса ғўзани озиқлантириш, суғориш, бегона ўтларга қарши курашиш, зарарли ҳашоратларни йўқотишда йўл қўйилган камчиликларни тугатишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим хўжалик ва бригадаларда ғўзалар қондириб суғорилмаяпти. Суғорилган майдонлар етилиши билан кетма-кет культивациядан чиқарилмаяпти. Оқибатда қатор ораларида кесак кўчиш ҳоллари тез-тез рўй бермоқда.

Пискент райони хўжаликларида ғўзаларнинг ривожланиши анча орқада. Бу эса барча ишга яроқли кучларни ғўза парваришига тезроқ сафарбар этиш ва меҳнат унумдорлигини оширишни талаб этади. Айниқса, қирғи зоналардаги ғўзаларни суғоришни қатъиқ назорат остига олиш лозим. Озиқлантириш ишларини ҳамма жойда кучайтириш талаб этилади. Хўжаликларда шу кеча-кундузда ҳар секундига 25 кубометрдан сув оқиши. Бу етарли эмас.

Республика, область партия, совет ташкилотлари Пискентда сув муаммосини тезроқ ҳал қилиш юзасидан яқиндан ёрдам бериб турибди. Қисқа вақт ичида 15 та қудуқ қазилиб ишга туширилиши планлаштирилган. Агар бу қудуқлардан сув олинса, унига қўшимча равишда 30 гектар ердаги ғўзани суғориш мумкин. Афсуски, вақт ўтиб боришига қарамай, бу қудуқлардан шу кулгача ҳали бирортаси ҳам фойдаланишга топширилгани йўқ. Область яйлов-мелиоратив трести (бошқарувчиси ўртоқ Иванов), бу трестга қарашли кўчма колонна (бошлиғи ўртоқ Маҳмудов) турли асоссиз баҳоналар кўрсатиб, ишни тезлаштиришмаяпти. Область электр тармоқлари корхонасининг раҳбарлари ҳам бу ишда четда туришибди. Улар электр тармоқлари қурилиши планлаштирган бўлса ҳам, аммо бажарилишини ойдан-ойга чўзиб келмоқдалар.

Вақт ғанимат. Барча куч ва имкониятларни тўла ишга солиш, ҳамма майдонларда ҳам ғўзаларни меҳр билан парвариш қилиб уни тезроқ олдинги, серҳосилли ғўзалар қаторига етказиб олиш зарур.

М. ҒОЗИЕВ,

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири.

ДУНЁ ОВОЗИ

чет эл хабарлари

Л. СВОБОДАГА МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

ПРАГА, (ТАСС). ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти Г. Гусак ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг раиси Л. Штроугал ҳамроҳлигида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, армия генерали Л. Свобода ҳузурига бориб, унга Чехословакия Социалистик Республикаси Қаҳрамони Олтин Юлдузини топширди.

ЧКП Марказий Комитети билан ЧССР ҳукуматининг таклифига биноан бу фахрий унвон Л. Свободага республика олдидаги жуда катта хизматлари учун, Чехословакиянинг социалистик тараққиётидаги, Чехословакия — Совет дўстлигини ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳамкорлигини ривожлантиришдаги хизматлари учун учинчи марта берилди.

ЧТК агентлигининг хабар беришича, Г. Гусак Л. Свободага ўз ватани йўлида қилган ҳамма хизматлари учун ташаккур изҳор этиб, унга ЧКП Марказий Комитети, ҳукумат органлари, жамоат ташкилотларидан, бутун чехословак халқи номидан самимий ўртоқлик табригини топширди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АСОСДА

ВАШИНГТОН, 2 июнь. (ТАСС). Савдо министри Р. Мортон бу ерда сўзга чиқиб, АҚШ билан социалистик мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқни кенгайтириш керак, деди. АҚШ билан социалистик мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ ишларида анчагина натижаларга эришилганлиги сиёсий ва иқтисодий кескинликни юмшатиш туфайли вужудга келаётган фаровонликдан яққол далолат бераётганлиги АҚШ учун ҳам ва унинг социалистик мамлакатлардаги савдо шериклари учун ҳам яққол аён бўлиб қолди, деди у.

Савдо-сотиқ йўлидаги сунъий тўсиқлар бирон-бир қонуний мақсадга ҳам, бирон-бир мамлакатга ҳам узоқ хизмат қила олмайди, деди Р. Мортон. АҚШ социалистик мамлакатлар билан савдони назар-писанд қилмасликка йўл қўйиши мумкин эмас. Совет Иттифоқида ва Европадаги бошқа социалистик мамлакатларда ҳозирги вақтда тузилаётган беш йиллик планлар бизнесменлар учун янги қулай имкониятлар яратиб беради.

Гвинея-Биссау республикасида ўқ товушлари тинганига ярим йилдан салгина ошди. Ғарбий Африкадаги кичкинагина бу мамлакатнинг аҳолиси ўн бир йил озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб борди. Халқ революцион армияси жанговар ҳаракатларнинг асосий кучи бўлди. Ҳозирда мамлакатда армия тинч ҳаёт қуришда актив қатнашиш билан бирга қўлга киритилган озодлик ва мустақилликни ҳушёр бўлиб ҳимоя қилмоқда. Суратда: ватан посбони ўз постида.

Н. Баратов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЖЕНЕВА

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг бажарилишини қараб чиқишга бағишланган конференция ўз ишини тамомлади. Якунловчи декларация қабул қилинди. Бу декларациянинг қоидалари умуман олганда конструктив характерга эгадир. Конференция қатнашчилари ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш мақсадида баён қилган кўпгина ижобий таклиф ва тавсиялар декларацияда ўз ифодасини топди.

БУХАРЕСТ

Бу ерда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашининг валютамолия масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия ҳамкорликни янада кучайтириш ва такомиллаштириш ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг социалистик иқтисодий интеграциясини ривожлантириш комплекс программасини амалга ошириш билан боғланган масалаларни қараб чиқди.

ДЕҲЛИ

Маланжханд районида (Мадхья-Прадеш штати) янги ёйирик мис рудаси кони очилди. Бу конда 58 миллион тонна мис рудаси запаслари бор, деб чамаланмоқда.

САЙГОН

Сайгоннинг тараққийпарвар кучлари янги революцион ҳокимиятнинг сиёсатини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Шаҳарнинг барча округларида Хо Ши Мин номли халқ революцион ёшлар союзининг комитетлари ва Жанубий Вьетнамни озод қилиш учун хотин-қизлар федерациялари тузилди.

СИНГАПУР

Капиталистик мамлакатларни ларзага келтирган иқтисодий тушкунлик Шарқи-Жанубий Осиёдаги кичик давлат бўлмиш Сингапурга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мамлакатнинг ғарбдаги бозорлар билан маҳкам боғланганлиги Сингапур саноатининг бир қанча тармоқларида ишлаб чиқаришни қисқартиришга ва мамлакатда ишсизликнинг кескин суратда авж олишига сабаб бўлди.

(ТАСС, 31 май).

Спорт

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Ёққан ёмғир нами кўтарилмай футболчилар майдонга тушишди. Майдон сирғанчиқ эди. Шунга қарамай, тошкентликлар актив ҳужумга ўтиб рақиб дарвозаси олдида бир неча бор ҳавфли вазиятлар туғдирдилар. Учинчи минутда Тўлаган Исоқов дарвозабон билан юзма-юз чиқди. Тасодифгина Дектарев дарвозасини тўпдан асраб қолди. Орадан яна бироз ўтмай Владимир Федоров рақиб ҳимоясини ёриб ўтди.

45 минут давомида ҳар иккала томон ҳисобни очишга кўп уринди. Лекин дарвозабонлар маҳорат кўрсатиб ўз дарвозалари даҳлсизлигини сақлаб қолдилар.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида ҳужумкор руҳ яна ҳам кучайди. Айниқса «Черноморец» командаси тез-тез қарши ҳужумга ўтиб турди. 66-минутда бор кучи билан ҳужумга ўтди-ю, ҳимоясни унутди. Шу дақиқада пахтакорчилар тезкорлик билан қарши ҳужум бошлаб, Тўлаган Исҳоқов ҳисобни очди. Бу унинг мавсумдаги биринчи тўпи эди.

Мезбонлар энди нима қилиб бўлса-да, учрашувни дуранг қилишга урина бошладилар. Рақиб дарвозасига битта тўп киритган пахтакорчилар эса шу дамда бироз хотиржамликка берилишган эди. «Черноморец» ҳужумчиси Зубков кетмакет Филатов дарвозаси томон ёриб кираверди. 75-минутда у тўпни шерниги Сапожниковга аниқ етказиб берди. Сапожников эса ҳимоячиларимизни доғда қолдириб Филатов дарвозасига жавоб тўпини киритди. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади.

Олий лига командалари мамлакат чемпионатининг тўққизинчи тури «Торпедо» ва «Спартак» командалари учрашуви билан бошланган эди. Ўша куни торпедочилар 4:0 ҳисобида ёйирик ғалабани қўлга киритдилар. «Динамо» (Киев) — ЦСКА 3:0, «Арарат» — «Заря» 2:0, «Зенит» — «Динамо» (Москва). 1:1, «Карпат» — «Динамо» (Тб) 3:2, «Локомотив» — «Днепр» 1:1, СКА — «Шахтёр» 1:3 ҳисобида якунланди.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 7 июнда Львовда «Карпат» командаси билан ўтказади.

Тўққиз турдан сўнг командалар турнир жадвалидан қуйидагича жой олишди:

	У.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Динамо» (К)	8	6	1	1	17—6	13
«Шахтёр»	9	5	1	3	20—11	11
«Днепр»	9	4	3	2	15—10	11
«Динамо» (М)	9	4	3	2	10—7	11
«Арарат»	9	4	1	4	12—11	9
«Локомотив»	9	2	5	2	9—8	9
«Пахтакор»	9	3	3	3	13—14	9
ЦСКА	9	4	1	4	6—7	9
«Спартак»	9	2	5	2	4—6	9
«Черноморец»	9	3	3	3	9—13	9
«Заря»	9	3	2	4	10—11	8
«Динамо» (Тб)	9	3	2	4	8—9	8
«Зенит»	9	3	2	4	8—16	8
«Карпат»	9	2	3	4	11—11	7
«Торпедо»	8	3	1	4	11—11	7
СКА	9	1	2	6	6—16	4

УНУМДОРЛИК ОРТМОҚДА

Ўйинчоқлар фабрикаси Собир Раҳимов районининг пешқадам корхоналаридан ҳисобланади. Бу фабрика коллективи қўлидан чиқаётган маҳсулотга эҳтиёж йилдан-йилга ортмоқда. Қатор қардош республикалар тобора кўпроқ буюртмалар беришмоқда. Буни ҳисобга олган ишчи-хизматчилар корхонада қатор ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Фабрикада қатор иш жараёнлари такомиллашди, замонавий ва унумли асбоб-ускуналар ўрнатилаяпти. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, прогрессив технологияни қўлланиш коллектив диққат марказида турибди. Айниқса, ишчи-хизматчилар малакасини оширишга, уларнинг қўшимча касб ўрганишлари учун зарур шароитлар яратиб беришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Шу туфайли ҳам коллектив маҳсулот реализация қилиш давлат планларини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Тўққизинчи беш йиллик якунловчи йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида пландагидан ташқари ўнларча минг сўмлик турли-туман ўйинчоқлар ишлаб чиқарилди ва мижозларга етказиб берилди. Шу даврда мобайнида ўтган йилнинг тўрт ойидагига нисбатан маҳсулот реализацияси ҳажми 38,8 процент ортди. Меҳнат унумдорлиги ҳам кескин юксалди. У 14,5 процент ошди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

«ТАШОБЛГАЗ» ЭСЛАТИБ ЎТАДИ

Хонангизга газ келди. Керосинкалар ва эски печкалар ўрнини чиройли ва фойдаланиш учун қулай бўлган газ асбоблари эгалладн.

ГАЗ АСБОБЛАРИНИ ЯХШИ САҚЛАСАНГИЗ УНДАН ФОЙДАЛАНГАНДА БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР РЎЙ БЕРМАЙДИ.

ЁДДА ТУТИНГ!

Газ асбобларидан фойдаланишдан олдин хонани шамоллатинг.

Плита кранлари ва трубадаги кранни ёпиқ ҳолда сақланг.

Хоналарда газ асбобларидан фойдаланганда доим тоза ҳаво кириб туриши лозим. Акс ҳолда газнинг тўлиқ ёнмаслигидан заҳарланиш мумкин.

ГАЗ ҲИДИНИ СЕЗГАНИНГИЗДА ГУГУРТ ЧАҚМАНГ, ЧИРОҚЛАРНИ ЁҚМАНГ ВА ЎЧИРМАНГ. ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНМАНГ. ДЕРАЗАНИ, ФОРТОЧКАНИ ОЧИНГ ВА ЗУДЛИК БИЛАН АВАРИЯ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИНИ ЧАҚИРИНГ!



Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича давлат комитети

9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975—76 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ — ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЛИНОТИПИСТ, ҲАРФ ТЕРУВЧИ, ПЕЧАТНИК ВА МУҚОВАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Билим юртига 15—16 ёшдаги 8-синфни тамомлаган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТАМОМ ҚИЛГАНЛАР ТЎЛИҚ ЎРТА МАЪЛУМОТ ВА ҲУНАР ОЛГАНЛИКЛАРИ ҲАҚИДА ДИПЛОМ ОЛАДИЛАР. БИЛИМ ЮРТИНИ ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ БИЛАН ТАМОМЛАГАНЛАР МОСКВАДА ВА ЛЬВОВ ПОЛИГРАФИЯ ИНСТИТУТЛАРИГА ЎҚИШГА ЮБОРИЛАДИ.

Билим юртида ўқиган муддат узлуксиз меҳнат стажига киради.

БИЛИМ ЮРТИДА МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Зарурий ҳолларда ётоқхона билан таъмин қилинадилар.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, мактабдан характеристика, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3x4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй. (6, 7, 9, 11, 13-троллейбуслар ва 2, 3, 6, 24, 34, 50, 54 ва 131-автобуслар нинг «Волгоград кўчаси» бекати). Телефонлар: 77-10-56; 77-10-33.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4|VI да **Чио-чио-сан**, 5|VI да **Аида**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3|VI да **Қароқчилар**, 4|VI да **Парвона**, 5|VI да **Абу Райҳон Беруний**.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Иккинчи ҳақиқат — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Мажбурий гаров — НАВОИЙ номли, «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Қизлар-оналар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Севги нима?; Мажбурий гаров — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Қизлар-оналар; Севги нима? —«ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Севги нима? — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сўқмоқдаги беш киши—«МОСКВА», «ХИВА» (21.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Иккинчи ҳақиқат — «ФЕСТИВАЛЬ».

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

РАДИО ВА ТЕЛЕВИЗИОН АППАРАТЛАРИ РЕМОНТИ КОРХОНАЛАРИ ГАРАНТИЯЛИ ХИЗМАТНИ АМАЛГА ОШИРАДИ

ЯНГИ БУЮМ ҲАМИША СИЗГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАЙДИ.

СИЗНИНГ ҚУВОНЧИНГИЗ УМРИ БОҚИЙ БЎЛИШИ УЧУН СОТИБ ОЛГАН ТЕЛЕВИЗОР, РАДИОПРИЁМНИК, МАГНИТАФОН ЁКИ БОШҚА МАИШИЙ РАДИО АППАРАТУРАЛАРИНГИЗНИ БИРИНЧИ НАВБАТДА ЯҚИН-АТРОФДАГИ ТЕЛЕВИЗИОН АТЕЛЬЕСИ ЁКИ РАДИО УСТАХОНАСИДАН ДАРҲОЛ ГАРАНТИЯЛИ ҲИСОБДАН УТКАЗИБ ОЛИШИНГИЗ ЛОЗИМ.

Бу сизга аппаратдан фойдаланаётганлигингизнинг гарантияли муддати вақтида техника хизмати ва ремонтидан бепул фойдаланиш имконини беради, айрим ҳолларда зарур бўлиб қолса аппаратингизни савдо тармоғи орқали янгисига алмаштираётганингизда жуда ҳам қўл келади.

ГАРАНТИЯЛАНГАН ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕЛЕАТЕЛЬЕГА ОЛИБ БОРИШ ВА ҚАЙТАРИБ ОЛИБ КЕЛИШ КОРХОНА ҲИСОБИДАН УНИНГ АВТОТРАНСПОРТИ ЗИММАСИГА ЮКЛАТИЛГАН.

Кўтариш мумкин бўлган (радиоприёмниклар, магнитофонлар, кичик ҳажмли телевизорлар)ни ремонт устахонасига олиб бориш буюм эгасининг ўз зиммасида қолдирилган.

РАДИОАППАРАТУРАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА БУЮРТМАЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ: **стационар устахоналарда 10 сутка** (дам олиш ва байрам кунларини ҳисобга олмаган ҳолда):

буюртмачининг уйида — буюртма берилганидан кейин уч кун ичида;

айрим пунктларда — 10 сутка мобайнида камида бир марта.

ТЕЛЕВИЗОРНИ ЎРНАТИБ БЕРИШ ВА УНГА МОС КЕЛАДИГАН АНТЕННА ХИЛИНИ ТАНЛАШДА ТЕЛЕАТЕЛЬЕ ЁКИ РАДИО УСТАХОНА МУТАХАССИСИНИНГ ТАВСИЯСИ МАЖБУРИЙДИР.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Район марказларининг аҳолисига радио — телевизион устахоналар ремонт бўйича ўз хизматини тавсия қилади.

Қишлоқлардаги радио ва телевизион аппаратларининг эгаларига шаҳарлардаги телеательеларнинг радио устаҳолари район ижроия комитетлари билан келишилган ҳолда график асосида бевосита хизмат кўрсатадилар.

АНТЕННАЛАРНИ ЎРНАТИШ ВА УНИНГ РЕМОНТИ

Кўрсатувларнинг тиниқ ва равшан бўлиши кўп жиҳатдан телевизион антенналарнинг мос келадиган хилини тўғри танлашга боғлиқ. Ана шу масала бўйича исталган телеателье ва радио устахонасидан маслаҳат олишингиз мумкин. Бу ателье ва устахоналарда коллектив ёки якка тартибда фойдаланиладиган телевизон антенналар ўрнатиб берилади ва ремонт ишлари бажарилади.

Шаҳарларда коллектив бўлиб фойдаланиладиган антенналарни ўрнатиб бериш ва ремонт қилиш учун буюртмалар фақат ўз қарамоғида уй-жой бинолари ва кооператив уй жойлари бўлган уй-жой — коммунал идоралардан қабул қилинади.

Коллектив бўлиб фойдаланиладиган антенналарга ўз телевизорини уламоқчи бўлган телевизор эгаларининг ўзидан буюртма олинади.

Якка тартибда қурилган уйлардаги кишиларнинг барчасидан ҳам якка тартибда фойдаланиладиган антенналарни ўрнатиб бериш учун ҳам буюртма қабул қилинади.

ТЎЛОВЛИ РЕМОНТЛАР

Белгиланган гарантияли муддат тугаганидан кейин — тасдиқланган прейскурант баҳолари бўйича областлардаги ҳамма телеателье ва радио устахоналар радио-телевизион аппаратларига техника хизмати кўрсатадилар ва уларни ремонт қилиб берадилар. Телеателье корхоналарида ремонтдан чиқариб берилган барча аппаратларнинг ишлаш муддати гарантиялаб берилади:

стационар устахонада ремонт қилинганидан кейин-аппарат эгасига берилган кундан бошлаб 3 ой (келишилган ҳисобга мувофиқ фақат бажарилган ишнинг ўзи гарантияланади);

радио ва телевизион аппаратуралар, уйда ремонт қилиб берилганда гарантия муддати — 1 ой.

ремонт қилинган аппаратларни кейинчалик сақлаб туриш муддати 6 ойдан ошмайди.

Буюртмаларни бажариш муддатлари: — стационар устахоналарда 10 кун, уйда ремонт қилинган аппаратуралар ўчун эса 3 суткадан ошмайди.

Доимий камчиликлари бўлган радио аппаратуралар ёки асбоблар билан текшириб кўриладиган радио аппаратуралар, шунингдек шалаги чиқиб кетган аппаратуралар — фақат телевизион ателъеларда 1 ой муддат ичида ремонтдан чиқариб берилади.

УНУТМАНГ!

Радио ва телевизион аппаратуралари ўз вақтида ремонт қилиб туриш унинг узоқ вақтгача бир маромда ишлаб туришининг гаровидир.

ТЕЗ РЕМОНТ УСУЛЛАРИ

Радио ва телевизион аппаратураларининг эгалари ҳоҳишига биноан барча телеателье ва радио устахоналарида ва шунингдек уйда тез муддатда ремонт ишлари бажариб берилади.

Тез ремонт учун буюртма беришнинг биринчи кунида 40 процент, чақиришдан кейин иккинчи куни эса — 30 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

ШАҲАР АҲОЛИСИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Тошкент область шаҳарларидаги радио ва телевизион аппаратларнинг эгаларига қуйидаги хизмат усуллари ва формалари тавсия этилади:

гарантияли техника хизмати ва ремонти;

завод гарантияси тамом бўлганидан кейин пулли ремонт;

телевизорларни уйда тез ремонт қилиб бериш;

телевизион антенналарни ўрнатиб бериш ва уларни ремонт қилиш, шунингдек коллектив бўлиб фойдаланиладиган антенналарга телевизорларни улаб бериш;

радио лампалар ва кинескопларни асбобларда текшириб бериш.

ЧИРЧИҚ, ОЛМАЛИҚ, ЯНГИЙЎЛ ШАҲАРЛАРИДА ВА ЎРТА ЧИРЧИҚ, КАЛИНИН, ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНЛАРИДА РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР РЕМОНТ ҚИЛИНАДИ ВА УЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ



Уйда телевизорларни ўрнатиб бериш, гарантия хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш, телеателье мутахассислари томонидан бажарилади.

РАДИО-ТЕЛЕВИЗИОН АППАРАТУРАЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ВА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ҲАММА ХИЗМАТЛАРГА БЕЛГИЛАНГАН ПРЕЙСКУРАНТ БЎЙИЧА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Буюртмани расмийлаштираётганингизда квитанциянинг тўғри ёзилиши ва буюртмани ўз вақтида сифатли ремонт қилинишини талаб қилинг!

Уйингизга радио механик келганда ҳужжатини кўрсатишини сўранг. Телеателье мутахассисларидан бошқа кишиларнинг хизматидан фойдаланманг.

ТЕЛЕАТЕЛЬЕЛАР ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телеательеларда Сиз қуйидагиларни тузаттиришингиз мумкин: қора-оқ ва рангли тасвирли телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар, проигрывателлар, ҳамма типдаги усилитиллар, радиолалар, магнитолалар, электрофонлар, транзистор аппаратуралари, телерадиолалар ва бошқа радио-телевизон аппаратуралар.



МАРКАЗИЙ УСТАХОНАЛАР АДРЕСИ:

ОЛМАЛИҚ телеателъеси — К. Маркс кўчаси, 18«а»-уй. Телефон: 27-28;

АНГРЕН телеателъеси — Южная кўчаси, 72-уй. Телефон 23-55.

ОҲАНГАРОН телеателъеси — 3-микрорайон, 18-уй;

БЕКОБОД телеателъеси — Октябрь кўчаси, 37-уй. Телефон 35-57;

БЕКОБОД РАЙОН телеателъеси — район марказида;

ЧИРЧИҚ телеателъеси — Октябрь кўчаси, 13«а»-уй. Телефон 5-04-25;

Високовольтная кўчаси, 12-уй, Телефонлар 6-30-43; 5-13-41.

ЯНГИЙЎЛ телеателъеси — Чехов кўчаси, 9-уй, Телефон 35-43.

ОҚҚЎРҒОН телеателъеси — Оққўрғон поселкаси;

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОН телеателъеси — Солдатский поселкаси;

БЎКА телеателъеси — Бўка район маркази;

БЎСТОНЛИҚ телеателъеси — Ғазалкент поселкаси;

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ телеателъеси — Янги бозор поселкаси;

КАЛИНИН РАЙОН телеателъеси — Назарбек посёлкаси. Телефон: коммутатор, 17-55-70, қўшимча 3-08;

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН телеателъеси — Қибрай поселкаси (Автостанция);

ЧИНОЗ РАЙОН телеателъеси — Олмазор посёлкаси;

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН телеателъеси;

ТЎЙТЕПА ПОСЁЛКАСИ телеателъеси;

ПИСКЕНТ телеателъеси — Пискент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ТЕЛЕВИЗИОН АТЕЛЬЕ БИРЛАШМАСИ

УШБУ ЭЪЛОННИ ҚИРҚИБ ОЛИНГ ВА САҚЛАНГ!

Р—01488. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64634. Б—3487.